

8-1-2020

THE PRACTICE CREDITING OF PHYSICAL INDIVIDUALS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Sh. Abdunazarov
Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abdunazarov, Sh. (2020) "THE PRACTICE CREDITING OF PHYSICAL INDIVIDUALS: PROBLEMS AND SOLUTIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 4 , Article 11.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss4/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ш.А.Абдуназаров
Тошкент молия институтини

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Мақолада жисмоний шахсларни кредитлашнинг илмий ва назарий жиҳатлари ҳамда амалиётдаги ҳолати хусусидаги фикрлар баён этилган. Хусусан, жисмоний шахсларни кредитлаш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг ёндошувлари қийёсий ўрганилган, шунингдек тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлашнинг амалиётдаги ҳолати ва улар билан боғлиқ муаммолар аниқлаб берилган. Амалга оширилган таҳлиллар ва тадқиқотлар натижасида жисмоний шахсларни кредитлаш амалиёти самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш юзасидан айрим тавсиялар ишлаб чиқилган.

***Таянч сўз ва иборалар.** жисмоний шахслар, тижорат банклари, кредит, ипотека, истеъмол кредити, овердрафт, автокредит*

ПРАКТИКА КРЕДИТОВАНИЯ ФИЗИЧЕСКИХ ЛИЦ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

В статье изучены научные и теоретические аспекты кредитования физических лиц, а также его текущее состояние в практике. В частности, были исследованы подходы к кредитованию физических лиц экономистов и экспертов, а также текущее состояние кредитования физических лиц в коммерческих банках и связанные с ними проблемы. В результате анализа и исследований были разработаны некоторые рекомендации по повышению эффективности и совершенствованию по кредитованию физических лиц.

***Ключевые слова:** физические лица, коммерческие банки, кредит, ипотека, потребительский кредит, овердрафт, автокредит*

THE PRACTICE CREDITING OF PHYSICAL INDIVIDUALS: PROBLEMS AND SOLUTIONS

The article studies the scientific and theoretical aspects of lending to individuals, as well as its current state in practice. In particular, the approaches to lending to individuals of economists and experts, as well as the current state of lending to individuals in commercial banks and related problems, were investigated. As a result of analysis and research, some recommendations were developed to improve the efficiency and improvement of lending to individuals.

***Keywords:** individuals, commercial banks, credit, mortgage, consumer credit, overdraft, car loan*

Кириш

Кейинги йилларда Ўзбекистон банк тизимида қатор самарали ислохотлар амалга оширилаётган бўлсада, бу борада ечимини қутаётган долзарб масалалар сақланиб қолмоқда. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очиқликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилаётганлиги таъкидланган. Хусусан, кредитларни ажратиш бўйича қарор қабул қилишда ваколатлар ҳаддан ташқари марказлашганлиги бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўсқинлик қилаётганлиги, кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаб механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятлари чегараланганлиги каби муаммолар шулар жумласидандир [1].

Дарҳақиқат, тадқиқотлар ва амалиётдаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний шахсларнинг банк кредитларига бўлган талабнинг ортиб бориши билан бирга, бу борада қатор зиддиятли масалалар ҳам юзага чиқмоқда. Жумалдан, банкларнинг барқарор молиявий ресурслар базасининг заифлиги, кредит ҳужжатларини расмийлаштириш ва кредит олиш жараёнининг мураккаблиги, олинган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизларнинг белгиланган муддатларда қайтарилмаслиги каби муаммолар шулар жумласидандир.

Ваҳоланки, замонавий шароитда аҳолининг истеъмол товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлари ҳажмининг ортиб бораётганлиги, иқтисодий ресурслар тақчиллиги натижасида баҳоларнинг муттасил ортиб бориши банк кредитларига бўлган талабни кучайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг бештадан тўрттаси ўзларининг истеъмол товарлар ва хизматларга бўлган талабини қондириш учун тижорат банклари кредитидан фойдаланади.

Тижорат банкларининг фаолияти ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларникидан фарқли ўлароқ, молиявий ресурсларининг қарийб 90 фоизи аҳоли, мижозлар, инвесторлар ва бошқа иқтисодий манфаатдор шахслардан жалб қилинган маблағлар ҳисобига амалга оширилади. Бу биринчидан, тижорат банкларига ресурсларни узоқ муддатга жалб қилиш ва қайтариш ҳамда уларни самарали мақсадга жойлаштириш билан боғлиқ рискларни келтириб чиқаради.

Тижорат банклари кредит беришда асосий мақсадни даромад олишга қаратсада, бироқ берилган кредитнинг асосий суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни тўлиқ ва ўз вақтида қайтариб олиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳам кредит олаётган шахснинг тўловга лаёқатлилигини аниқлаш, берилаётган кредитни таъминоти сифатида қабул қилинаётган гаров объектини баҳолаш ва расмийлаштириш, ёки кафил шахсларнинг молиявий фаолиятига баҳо бериш каби жараёнлари маълум вақт ва харажатларни талаб этади. Айниқса, Ўзбекистон тижорат банклари ўртасида рақобатнинг етарли даражада ривожланмаганлиги уларнинг хизматлари турлари ва сифатига салбий таъсир кўрсатади. Буни тижорат банкларининг мижозларга ўз хизматларини таклиф қилиш билан уларни жалб қилиш ва излаб топиш эмас, балки мижозлар банкларга ўз талабларини қондириш учун уларга муттасил

муурожаат қилиш амалиёти кенг жорий этилган шароитда жисмоний шахсларни кредит олиш ва ҳужжатларни расмийлаштирилиши айрим ҳолатларда вазиятни янада қийинлаштиради.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларга берилаётган кредитлар билан боғлиқ муаммоларни банклар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, асосий зиддиятли ҳолатлар берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни белгиланган муддатларда қайтарилмаслиги ва кўпчилик ҳолларда олинган кредитларни мақсадли фойдаланилмаганлигида кузатилади.

Хориж банк амалиётида бу жараённи, яъни банклар томонидан берилган, бироқ шартлари бажарилмаган кредитлар (Non Performing Loans NPL), маҳаллий банк амалиётида эса муддати ўтган ёки муаммоли кредитлар сифатида юритилади. Хориж банк тажрибасидан маълумки, тижорат банклари кредит портфели таркибида муаммоли кредитлар улушини ноль даражага тушириш имконияти мавжуд эмас. Шу боис ҳам бирорта тижорат банки мазкур муаммодан ҳоли эмас, одатда тижорат банклари кредит портфели таркибида активлари мазкур кредитларнинг улуши 1,5 фоиздан 10 фоиз ва айрим ҳолларда ундан юқори даражани ҳам ташкил этади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Жисмоний шахсларни кредитлаш хусусида фикр юритганда асосан банк кредити назарда тутилади. Банк кредити кредит турлари ичида энг кўп қўлланиладигани бўлиб, ушбу кредитни олиш, фойдаланиш, қайтариш ва ҳисобини юритиш қулайлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Чунки, банк кредити билан амалга ошириладиган барча муносабатлар қиймат кўринишида, яъни пулда амалга оширилади.

Бироқ, иқтисодий ишланмаларда, илмий нашрларда, норматив ҳужжатларда, оммавий ахборот воситаларида “кредит”, “банк томонидан кредит бериш”, “банк томонидан кредит бериш тизими”, “кредит операциялари”, “кредит хизматлари”, “кредит маҳсулотлари” каби терминлар тез-тез тилга олинсада ҳозирги кунга қадар уларнинг иқтисодий моҳияти тўлиқ ўрганилмаган [2].

Таҳлиллар натижасидан маълум бўлишича “кредит” тушунчаси латинча “creditum” – ссуда сўзидан вужудга келган [3]. Ҳақиқатда ҳам “кредит” ссуда капитали натижасида вужудга келадиган ва қатор тамойиллар асосида унга эҳтиёжи бўлган субъектларга бериладиган қийматдир.

Демак, “ссуда капитали” пул шаклидаги кредит муносабатларини акс эттиради, “ссуда капитали” ҳаракати натижасида кредит кўринишини олади. “Ссуда капитали” ҳаркатсиз ҳолатда бўлганда тижорат кредити сифатида намоён бўла олмайди ва бу иқтисодий термени унга нисбатан қўллаш мумкин эмас. Бундан ташқари, у кредитнинг муҳим принциплари ҳисобланган – қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадлиликини ўзида акс эттирмайди.

С.В. Галицкаянинг фикрича, кредит иқтисодий тоифа ҳисобланади ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муддат, пуллик, қайтариш шартлари асосида вақтинча бўш пул маблағларини қайта тақсимлаш билан

боғлиқ иқтисодий муносабатларни акс эттиради [4]. Мазкур таърифда кредит объекти сифатида фақат пул маблағлари ажратиб кўрсатилади. У кредит муносабатларининг тўлиқ кўламини, жумладан, тижорат кредитини акс эттирмайди.

Д.МакНотон тижорат банкларнинг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш хусусидаги масалалар тўғрисида тўхталиб, ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди[5]. Унинг фикрига кўра, гаров сифатида олинадиган мулкни сотиш баҳоси кредит ва унинг фоизини қайтаришга етиши лозим.

Бизнинг фикримизча, олимнинг мулкни даврий баҳолаш тўғрисидаги фикри республикамиз амалиёти учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Чунки мулкларнинг жорий баҳосини тез-тез ўзгариш ҳолати мамлакатимизнинг хўжалик амалиётига хос бўлган ҳолат ҳисобланади.

Жисмоний шахсларни кредит юки таҳлили кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилган бўлиб хусусан, Халқаро ҳисоб-китоблар банки (Bank of International Settlements) иқтисодчилари М.Дрехман ва М.Жуселиус томонидан 2012 йилда 27 мамлакат, шу жумладан 19 ривожланаётган давлатлар бўйича ўтказилган тадқиқотда барқарор банк тизимига эга мазкур мамлакатларда аҳоли кредит қарздорлиги бўйича қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш кўрсаткичини аҳолининг жами соф даромадига нисбатан ҳисобланганда 5-20 фоиз оралиқда шаклланганлиги аниқланган[6].

АҚШ иқтисодчиларидан Mannering, Dasgupta ва бошқалар, жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитларида аксарият америкаликлар учун автомобил сотиб олиш учун олинаётган кредитлар, уй-жой кредитларидан кейин туради. Шундан ҳам кўриниб турибдики, аҳолига ажратилаётган кредитларнинг ўзгариш динамикаси ҳар доим ўрганилиб таҳлил қилиб бориш лозим бўлган соҳалардан биридир [7,8].


Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда банклар томонидан жисмоний шахсларни кредитлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари кенг тадқиқ этилмаган. Аксарият ҳолларда ушбу масала тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти сифатида кредитлашнинг умумий муносабатлари таркибида тадқиқ этилган.

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банклари кредит портфели таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар улуши 2015-2019 йилларда ўртача 16,8 фоизни ташкил этган бўлсада [9], банклар томонидан жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитлар, биринчидан, аҳолининг истеъмол товарлар ва хизматларга бўлган талабини қондириш имконини беради ва уларнинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрстади, иккинчидан, банкларга барқарор даромад олиш ва кредит рискларни минималлаштириш имкониятини яратади.

Халқаро банк амалиётида жисмоний шахсларни кредитлаш муҳим йўналишлардан бўлиб, қуйида Ўзбекистон ва бошқа баъзи мамлакатлар

банклари томонидан жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг ЯИМга нисбати ҳақида маълумотлар келтирилган.



1-расм. Ўзбекистон ва жаҳоннинг турли мамлакатларида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМ даги улуши ҳолатига¹, (01.01.2019 йил ҳолатига)

Ушбу расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг мамлакат ЯИМ даги улуши айрим давлатларда 40 фоиздан юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, аҳолини кредитлаш орқали уларнинг турли эҳтиёжларини қондириш ва энг асосийси ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар реализациясини оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, банк кредитларини беришдан асосий мақсад даромад олиш бўлса, шу билан бирга ушбу кредитлар аҳолининг эҳтиёжини талабга айлантириш орқали мамлакатда истеъмол товарлар (қурилиш, мебель, атомобиль ва б.) ва хизматлар таклифини ҳажмини ошишига туртки бўлади. Бу ўз навбатида, кўшимча иш жойларини яратишга, давлат бюджетига даромадлар тушишига хизмат қилади. Ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатлар ушбу кўрсаткич даражаси нисбатан паст бўлиши мумкин. Бунинг асосий сабаби ушбу давлатларг банк тизими ҳолати ва имкониятлари ривожланган мамлакатлар банк тизимига нисбатан анчагина чегаралангандир.

Ўзбекистон амалиётида бу кўрсаткич 6,0 фоизни ташкил этган. Бундан кўринадики, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг ЯИМдаги улушини ошириш имкониятларини излаб топиш керак. Мамлакатимиз тижорат банклари кредит портфели ва ЯИМга нисбатан жисмоний шахсларга берилган кредитлар улушининг пастлиги аҳолининг тўлов қобилиятини мустаҳкамлашга, истеъмол ва хизматлар бозорида умумий талабни ошишига кучли таъсир кўрсатмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетени ва Халқаро молиявий статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз тижорат банклари жисмоний шахсларни кредитлашда узоқ муддатли молиявий ресурслар ҳажмининг пастлиги, берилган кредитларнинг асосий суммаси ва унга ҳисобланган фоиз тўловларининг вақтида қайтарилмаслиги каби қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Фикримизча, мазкур муаммоларнинг ижобий ечимларини амалга оширилиши келгусида тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажми ва сифатини ошириш имкониятини беради.

Умуман, бугунги кунда тижорат банклари кредитлари аҳолига уй-жой ва бошқа узоқ муддат давомида фойдаланиладиган нисбатан юқори қийматли мол-мулкни харид қилиш, таълим олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, шунингдек, жорий даромад ҳажмидан катта бўлган харажатларни амалга ошириш, зарур ҳолларда оила ёки шахсий молиявий ҳолатда юзага келиши мумкин бўлган маблағ етишмовчилиги ҳолатларини бартараф этишда айна муддоадир. Шу нуқтаи назардан, банк кредитлари аҳолига ўз харажатларини ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун режалаштириш ҳамда амалга ошириш имкониятини яратади ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилувчи муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Республикамызда пандемия шароитида жисмоний шахсларни кредитлаш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, уларга қуйидаги турларда кредитларни тақдим этилишини қайд этиши мумкин:

- Истеъмол кредити;
- Овердрафт кредити;
- Ипотека кредити;
- Микрокредит (тадбиркорлик фаолияти учун).


1-жадвал

Жисмоний шахсларга ажратиладиган кредит турлари бўйича кредитлаш шартлари²

№	Кредит турлари	Кредит мақсади	Кредит муддати
1	Истеъмол кредити	товар ва хизматлар учун	3 йилгача
2	Овердрафт кредити	аҳоли эҳтиёжи	3 йилгача
3	Ипотека кредити	уй-жой сотиб олиш учун	20 йилгача
4	Автокредит	автомобил харид қилиш учун	5 йилгача
5	Микрокредит (тадбир- корлик фаолияти учун)	тадбиркорлик учун	5 йилгача

² Муаллиф томонидан тузилган


Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар асосан узоқ муддатга миллий валютада берилмоқда. Ҳозирги кунга келиб, тижорат банклари жисмоний шахсларга барча турдаги кредитларни ажратмоқда. Қуйидаги расмда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг қарздорлар кесимида маълумотлар келтирилган.



2-расм. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг қарз олувчилар бўйича таркиби³, (фоиз ҳисобида)

2-расм маълумотларига қарайдиган бўлсак, тижорат банклари кредит портфели таркибида 2019 йил якуни бўйича хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2018 йилга нисбатан деярли ўзгаришсиз қолган, якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2,1 фоиздан 1,3 фоизгача қисқарган бўлса, аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи 1,0 фоизгача ошган. 2019 йил давомида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 1,6 баробарга ошиб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 40 трлн. сўмни ташкил этди. Хусусан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар доирасида жами 7,6 трлн. сўм миқдорида, шу жумладан, бевосита жисмоний шахсларга 4,9 трлн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Аҳолига ажратилган кредитларнинг таркиби ҳақидаги маълумотлар қуйидаги расмда келтирилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари натижаси, www.cbu.uz



3-расм. Аҳолига ажратилган кредит қўйилмалари таркиби⁴, (фоиз ҳисобида)

3-расм маълумотлардин кўринадики, 2019 йил ҳолатига аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи таркибида ипотека кредитлари 50,9 фоизни, истеъмол кредитлари 17,4 фоизни, автокредитлар 13,9 фоизни, микроқарзлар 8,0 фоизни ва бошқа кредитлар 9,8 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг банк кредитлари бўйича мажбуриятларининг юқори суръатларда ўсиб бориши, ўз навбатида, аҳолининг банк кредитлари бўйича қарз юкини (кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи бўйича ҳисобланган) 2019 йил давомида қарийб 5 фоиз бандга ошириб, 2020 йилнинг 1 январь ҳолатига 34 фоизга етишига сабаб бўлди. Бу кўрсаткич Халқаро амалиётда Кредит тўловининг даромадга нисбати кўрсаткичи бўйича қарз юкини 50 фоиздан оширмаслик тавсия қилинади [10].

Шундан келиб чиқиб, аҳолининг кредит ташкилотлари олдидаги қарз мажбуриятларининг ҳаддан ташқари ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 2020 йилнинг 20 мартдан бошлаб аҳоли кредит юкининг юқори чегаравий миқдори жорий қилинди.

Ҳозирги вақтда республикада кредитлашнинг кенгайиш тенденцияси кредит риск даражасининг ортиши, кредит портфели сифатининг пасайиши билан бирга олиб борилмоқда, бу ҳам алоҳида банкларнинг, ҳам бутун банк тизимининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни кредитлаш амалиётини ривожлантиришга салбий таъсир қиладиган куйидаги долзарб масалалар сақланиб қолмоқда:

- тижорат банклари узоқ муддатли молиявий ресурслар базасининг заифлиги. Хусусан, кейинги йилларда тижорат банклари ресурслари таркибида депозитлар улуши 2016 йил 1 январда 59,7 фоизни 2019 йил 1 январда 37,3 фоиз ёки 22,4 пунктга камайган, банклар томонидан ресурсларни жалб қилиш

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари натижаси, www.cbu.uz

мақсадида эса олинган кредитлар эса айнан шу даврда мос равишда 30,7 ва 55,6 фоизни ташкил этган ёки 24,9 пунктга ортган⁵;

- кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг юқорилиги. Маълумки, жисмоний шахслар олинган кредитни асосий қарзи билан бирга уларнинг фоиз тўловларини ҳам тўлашлари лозим. Айни пайтда ушбу фоиз ставкаси ўртача 24-26 фоиздан иборат бўлиб, айрим банкларда бундан ҳам юқори, бу ўз навбатида банклардан кредит олаётган аҳолининг асосий қатламининг даромадларини кредит ва унга ҳисобланган фоизларга йўналтиришига сабаб бўлмоқда;

- банк тизимида монетизация коэффицентининг пастлиги 2020 йил 1 январь ҳолатига 17,4 фоиз ва Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг юқорлиги 2020 йил 14 апрелда 15 фоиздан 14 фоизга пасайтирилди. Бу омиллар ҳам тижорат банкларининг жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- жисмоний шахслар томонидан олинган кредитлар бўйича муаммоли кредитлар ёки (Non Performing Loans) NPL суммасининг ортиб бориши каби дозарб масалалар шулар жумласидандир.

Хулоса ва тавсиялар

Олиб борилган таҳлиллардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, айни вақтда республикамиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитларини ЯИМдаги улуши халқаро амалиётда тавсия қилинган меъёрий кўрсаткичлардан пастлиги, умуман олганда, мўътадил даражада шаклланганлигини кўрсатмоқда.

Аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғининг юқори суръатларда ўсиши асосан давлат ижтимоий дастурлари доирасида аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш мақсадида ипотека кредитлари ажратиш кўламининг сезиларли даражада кенгайтирилиши ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётган кредит маблағлари ҳажмининг кўпайиши билан изоҳланади.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳолатига тўғри баҳо бериш, аҳоли кредит юкининг юқори чегарасини белгилаш ва амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш орқали кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажмини ва сифатини ошириш бўйича қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

-банкларнинг кредит портфели таркибида аҳолига ажратилаётган кредитлар ҳажмини муттасил ошириш ҳисобига уни 20-25 фоизга, мамлакат ЯИМга нисбатан эса 10-15 фоизга етказиш лозим;

-Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини пасайтириш ва монетизация коэффицентини ошириш ҳисобига тижорат банкларининг арзон ва

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2018 йил 9 ойи яқунлари бўйича статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

кулай молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш орқали уларнинг аҳоли учун кредит таклифини кўпайтириш керак;

-жисмоний шахсларни, умуман тижорат банкларининг кредитлаш жараёнини соддалаштириш, аҳолини замонавий кредитлаш усулларини, яъни масофадан туриб кредит беришни расмийлаштириш тажрибасини амалиётга жорий этиш керак;

-аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш орқали уларнинг банклардан олган кредитларнинг асосий ва фоиз тўловларини ўз вақтида қайтаришга эришиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган долзарб масалаларнинг ҳал этилиши ва тавсияларни амалиётга қўлланилиши банклар томонидан жисмоний шахсларни кредитлаш ҳажми ва сифатини ошириш билан бирга, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли Қарори – www.lex.uz

2. Холмаматов Ф.К. Тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент: 2019. “IQTISOD-MOLIYA”, 2019. 11 б.

3. Совет энциклопедия луғати / Бош муҳаррир А.М. Прохоров. -М., 1984

4. Деньги. Кредит. Финансы / С.В. Галицкая. -М., 2002. -С.57

5. Д. МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.-С.75

6. М.Власенко Об основных показателях долговой нагрузки на экономику. Банковский вестник, 2015 г.

7. Mannering, F., Winston, C., Starkey, W., An exploratory analysis of automobile leasing by US households. J. Urban Econ. 52 (1), 2002. – P. 154–176. <https://www.sciencedirect.com>

8. Dasgupta, S., Siddarth, S., Silva-Risso, J., Lease or Buy?: A Structural Model of the Vehicle Acquisition Decision, University of Southern California, Working Paper. 2003. <https://www.sciencedirect.com>

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетени маълумотлари асосида муаллифнинг ҳисоб-китоблари натижаси, www.cbu.uz

10. www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти маълумотлари.